

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«SPICEMEAT» АЖ

Ягона таъсисчи



Mirsaatov Miragzam Mirpulatovich

2026 йил 15 июн

03 – сон

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли
лойиҳалар миллий агентлиги
Директорнинг биринчи ўринбосари

Пак Вячеслав Юрьевич

2026 йил 15 июль

Р1124-1 - сон

«SPICEMEAT» Акциядорлик Жамияти
Бирламчи акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарори

Идентификация рақами берилди:	Р	У	1	0	1	Р	1	1	2	4	Т	3
-------------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 264 000 дона эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз,
оддий акциялар;

Мазкур чиқарилишдаги акциялар ёпик обуна усулида жойлаштирилади;

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши биринчи чиқарилишдир.

Тасдиқланган:

«SPICEMEAT» акциядорлик жамияти Ягона таъсисчи қарори билан (2026 йил 15 - июндаги
03-сонли қарор)

«SPICEMEAT» акциядорлик жамияти Ягона таъсисчининг акциялар бирламчи чиқарилиши
тўғрисидаги қарори асосида (2026 йил 15 - июндаги 03-сонли қарор).

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почтаси:
100170, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ижодкор МФЙ,
Миллий боғ кўчаси, 16 уй.; Тел: +998 (90) 999-36-13; E-mail: mirsaatov.mirsulton@gmail.com

Эмитентнинг раҳбари:



Mirsaatov M. M.

Бош бухгалтер:

Xudayarov S. K.

«15» июн 2026й.

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий.

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз.

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 (бир минг) сўм.

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 264 000 (икки юз олтмиш тўрт минг) дона.

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 264 000 000 (икки юз олтмиш тўрт миллион) сўм.

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Жамият акциядори куйидаги ҳуқуқларга эга:

- жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йигилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларни ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.

Акциядор қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставига ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставига ва акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорда чеклашлар мавжуд эмас.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар жамият таъсисчилари ўртасида ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): 264 000 000 (икки юз олтмиш тўрт миллион) сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): «SPICEMEAT» АЖ акцияларининг ушбу чиқарилиши биринчи чиқарилишдир.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Жамият томонидан илгари облигациялар жойлаштирилмаган;

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

Ушбу акциялар «Tashkent Parranda» масъулияти чекланган жамиятидан ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этиш доирасида ташкил этилган «SPICEMEAT» акциядорлик жамияти акциялари 264 000 (икки юз олтмиш тўрт минг) дона миқдорда ёпиқ обуна усулида жамиятнинг ягона таъсисчиси учун ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади:

№	ФИШ	Устав фондидаги улуши, %	Акцияларнинг умумий қиймати, сўм	Акциялар сони, дона
1	Mirsaatov Miragzam Mirpulatovich	100 %	264 000 000	264 000
	Жами:	100 %	264 000 000	264 000

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Мазкур чиқарилишдаги акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб 15 кун ичида жойлаштирилади.

Жойлаштиришни бошланиш санаси: мазкур акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санаси;

Жойлаштиришни тугаш санаси: ушбу чиқарилишнинг охирги акция жойлаштирилган кун хисобланиб, ушбу сана акцияларни жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб 15 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар уюлмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида «Tashkent Parranda» масъулияти чекланган жамиятининг ягона иштирокчиси — Mirsaatov Miragzam Mirpulatovich томонидан «Tashkent Parranda» масъулияти чекланган жамиятидан ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этиш доирасида ташкил этилган «SPICEMEAT» акциядорлик жамиятининг акцияларига айирбошлаш йўли билан 264 000 (икки юз олтмиш тўрт минг) дона миқдорда ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Бунда битимлар тузиш назарда тутилмайди. Андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар марказий депозитарий ҳақида маълумот:

“Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” акциядорлик жамияти. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107.Тел.: 71 267-37-42.

Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси ҳақида маълумот:

“Full Stock group” масъулияти чекланган жамияти. Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41. Тел.: 90 167-65-33.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар «Tashkent Parranda» масъулияти чекланган жамиятидан ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этиш доирасида, унинг ягона иштирокчиси — Mirsaatov Miragzam Mirpulatovichнинг ўзига тегишли улушини «SPICEMEAT» акциядорлик жамияти акцияларига айирбошлаш йўли билан жойлаштирилаётганлиги сабабли, мазкур акцияларга нисбатан имтиёзли ҳуқуқ қўлланилиши назарда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қиймати бўйича жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар «Tashkent Parranda» масъулияти чекланган жамиятидан ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этиш доирасида, унинг ягона иштирокчиси — Mirsaatov Miragzam Mirpulatovichнинг ўзига тегишли улушини «SPICEMEAT» акциядорлик жамиятига топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида бериш орқали амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда тўлов сифатида қабул қилинган тўлов воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида 10 кун ичида қайтарилади.

Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда Жамият ушбу ҳолат тўғрисида оммавий ахборот воситаларида, акциядорларга билдиришнома юбориш, шуниндек корпоратив ахборот ягона порталида ва «SPICEMEAT» АЖнинг веб-сайтида расмий хабарнома эълон қилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Шу жумладан, акциялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот ушбу чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Корпоратив ахборотнинг ягона порталида ва «Spicemeat» АЖнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор асли билан Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ижодкор МФЙ, Миллий боғ кўчаси, 16 уй, иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар:

Эмитентнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи:

Давлат тилида:

«SPICEMEAT» Акциядорлик жамияти («SPICEMEAT» АЖ);

Рус тилида:

Акционерное общество «SPICEMEAT» (АО «SPICEMEAT»);

Инглиз тилида:

Joint-stock Company «SPICEMEAT» (JSC «SPICEMEAT»);

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи, эмитентнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санаси ва рақами:

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани "Ягона дарча" маркази;

Рўйхат рақами: 31.03.2026й.; Гувоҳнома рақами: 3178275;

Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли: Акциядорлик жамияти;

Солиқ органининг номи ва СТИР:

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекцияси.

СТИР: 312919010;

ОПФ: 153; СОАТО: 1726269; ИФУТ: 10119; ОКПО: 35255920.